2012 йил 11 октябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 206 (12.267)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБОЙЖОН: ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚЛИК

***Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатлар асосини узоқ ўтмишга бориб тақаладиган мустаҳкам дўстлик ришталари ва қардошлик, маданиятлар, тиллар ва анъаналар муштараклиги, қадим даврлардан буён икки мамлакат халқларини боғлаб келаётган маънавий ва инсонпарварлик қадриятларининг умумийлиги ташкил этади.***

Аввалбошданоқ тенг ҳуқуқлилик ва конструктивлик тамойиллари асосидаги ҳамда миллий манфаатлар ва устуворликлар ҳисобга олинган ҳолда қурилган Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари ҳар икки давлат мустақилликни қўлга киритганидан сўнг сифат жиҳатдан юқори даражага кўтарилди ва улар янада ўсувчанликни касб этгани ҳолда янги мазмун билан бойиди. Тошкентда ҳам, Бокуда ҳам ўзаро ишонч, бир-бирини тўғри тушуниш ҳамда бир-бирларининг манфаатларига ҳурмат билан қараш тамойиллари асосидаги муносабатлар юқори баҳоланади ва қадрланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбойжон юқори самара берадиган кўп қиррали ҳамкорлик салоҳиятини ҳаётга татбиқ этишга интилганлари ҳолда ҳар икки томон кенг қамровли шерикликка содиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Икки мамлакат етакчилари ўртасидаги илиқ ва ўзаро ишончга асосланган муносабатлар азалий дўстлараро ва ишончли шериклараро очиқ мулоқотнинг ривожланишига кўмак бераётган ижобий омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил сентябрь ойида Озарбойжонга буюрган расмий ташрифи бунинг ёрқин мисоли бўлди. Чунки мазкур ташриф икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берган эди.

Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг 2010 йил сентябрида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи эса илгари эришилган келишувларнинг мантиқий давоми сифатида хизмат қилгани ҳолда уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши жараёнини жадаллаштирди.

Ушбу ташрифлар доирасида имзоланган давлатлараро ва идоралараро ҳужжатлар мажмуи ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун пойдеворни мустаҳкамлаб, истиқболдаги алоқаларнинг янги йўналишини белгилаб берди. Шу ўринда бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасида икки томонлама муносабатларнинг барча қирраларини тартибга солувчи 110 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат имзолanganини қайд этиш жоиздир.

Ўзбекистон Озарбойжонга замонавий дунёнинг стратегик жиҳатдан муҳим бўлган минтақасидаги жуда муҳим шерик сифатида қарайдики, унинг геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамияти тобора ўсиб бораётир. Ўзбекистон – Озарбойжон муносабатлари катта истиқболга эга эканлигини ҳамда Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларида узоқ муддатли барқарорлик ва мустаҳкам тараққиётнинг қўллаб-қувватланишида муҳим ўрин ва аҳамият касб этиши мумкинлигини вақтнинг ўзи кўрсатди.

Ўзбекистон ва Озарбойжон минтақавий ҳамда халқаро сиёсатнинг кўпгина долзарб масалалари юзасидан ўхшаш нуқтаи назарларга таянишади. Шериклик муносабатларини давом эттиришга бўлган икки томонлама интилиш кўп томонлама тузилмалар доирасида нуқтаи назарларни ўзаро қўллаб-қувватлаш масалаларига қатъий ёндошувларда намоён бўлмоқда. Шу муносабат билан Тоғли Қорабоғ муаммосининг ҳал этилиши бўйича Ўзбекистон Республикасининг нуқтаи назари қатъий ва ўзгармасдир. Ўзбекистон изчил равишда Тоғли Қорабоғ низосининг тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилиши тарафдори бўлиб келган ва шундай бўлиб келмоқдаки, бунда Озарбойжон ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетининг таъминланиши можаро ҳал этилишининг асосий шарти бўлиши керак, деб ҳисоблайди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ




Кўргазмалар

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР АКС ЭТГАН

***«Ўзэкспомарказ» МККда «ExpoConstruction Uzbekistan» – «Қурилиш. Қурилиш техникаси. Қурилиш материаллари» кўргазмаси ўтказилмоқда. Ушбу анъанавий тўққизинчи халқаро қурилиш кўргазмасида соҳадаги сўнгги ютуқлар намойиш этилмоқда.***

Нуфузли тадбирни «ZarExpo» миллий кўргазмалар компанияси ташкил этган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Архитекторлари уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон муҳандис-консультантлар ва қурувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, «ExpoConstruction Uzbekistan» кўргазмаси ўз фаолияти йилларида қурилиш индустрияси учун алоҳида аҳамият касб этди ва ушбу соҳадаги йирик воқеага айланди. Қурилиш учун зарур бўлган илғор ускуналар, техника, технология ва материалларнинг кенг спектрини намойиш қилган ҳолда, қурувчиларнинг кузги форуми қурилиш техникаси, қурилиш материаллари ва маҳсулотлари, сантехникага оид ускуналар, асбоб-ускуналар, маҳкамлаш, ташқи ободонлаштириш, иситиш ва вентиляция ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олади.

Бу галги йирик халқаро кўргазмада кўплаб компанияларнинг стендлари тақдим этилди. Айтиш жоизки, улар орасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар салмоқли ўрин эгаллайди.

Миллий кўргазмалар мажмуасида Германия, Италия, Франция, Швейцария, Чехия, Хитой, Жанубий Корея, Япония каби давлатларнинг таниқли брендларни ишлаб чиқарувчилари ва дистрибьютерлари ўз маҳсулотларини намойиш қилишади.

Ҳар йили кўргазмада янги компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашадилар ҳамда келгусида самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш имконига эга бўладилар. Кўргазманинг ушбу хусусияти унга ташриф буюрадиганлар учун алоҳида аҳамият касб этади. Доимо янги материал ва технологияларни топиш, бозорга энди кириб келаётган корхона ва компаниялар маҳсулоти билан танишиш шулар жумласидандир. Йил сайин иштирокчи корхоналарнинг сони ҳамда майдонлар ортмоқда, экспозицияларни ташкиллаштиришнинг сифат даражаси ўсмоқда. Стендларнинг қизиқарли конструктив ечимлари, самарали материал ҳамда ландшафтли воситалардан фойдаланиш бутун кўргазмага йирик халқаро тадбирларга муносиб бўлган дизайнни таъминлаганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

«ExpoConstruction Uzbekistan» кўргазмаси иштирокчи ва меҳмонларнинг эътирофига сабаб бўлиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тадбирда юқори даражадаги ишбилармонлик муҳити ташкил этилган бўлиб, бу ташкилотчиларнинг кўргазмага ташриф буюрганларга бўлган эътиборининг яққол далолатидир.

Айтиш жоизки, кўргазмада намойиш этилган сифатли ва рақобатбардош қурилиш материаллари, қурилиш техникаси соҳадаги муваффақиятлардан ёрқин далолатдир. Уч кундан буён давом этаётган кўргазма доирасида маҳсулот ва хизматлар билан яқиндан танишиш, янги ҳамкорликларни йўлга қўйиш, маъқул келган маҳсулотларни харид қилиш бўйича шартномалар имзолаш имкони яратилади.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Козим Ўлмасов олган сурат**

## МАРДЛИКНИНГ МУНОСИБ РАҒБАТИ

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш –
Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.
**(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда)**

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал миллий армиямизнинг барпо этилгани мамлакатимиз тинчлиги ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.***

Бу жараёнда армияни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга ҳам доимий эътибор қаратилмоқда.

«Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» каби медаллар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётир.

Президентимиз ташаббуси билан «Мардлик» орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир ЖЎРАЕВ ушбу орденнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:**

– Халқимиз азалдан фарзандларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган фидойи инсонлар этиб тарбиялаб келган. Достону эртакларда бундай инсонлар қаҳрамон сифатида улуғланган. Асрлар давомида шаклланган бундай маънавий муҳит таъсирида юртимиз фарзандлари мардона қалб ва кучли ирода соҳиби бўлиб камолга етган.

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда мард ва жасур, Ватанга садоқатли, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган жонкуяр инсонлар юртимизни янада юксалтириш, унинг тинчлиги ва барқарорлигини ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган «Мардлик» ордени ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан ана шундай инсонларни муносиб тақдирлашга хизмат қилади.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ «Мардлик» ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилишга ва она юрт хизматига бағишлаган, мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

«Мардлик» ордени Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида берилади. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Орден билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек, уни топшириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

«Мардлик» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида бир йўла бериладиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Мазкур орден кўкракнинг чап томонига тақилади. Фуқаро вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден унинг оиласига топширилади.

Мамлакатимиз ўз олдига буюк ва эзгу мақсадларни қўйган. Уларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи учун ўзини аямайдиган мард ва фидойи инсонлар «Мардлик» ордени билан тақдирланади.

Бу улуғ аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаш, ёш авлод қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни мард ва иродали инсонлар этиб камолга етказишга хизмат қилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ**
**ёзиб олди**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Маънавият тарғибот маркази Сергели туман бўлими ташаббуси билан Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда ўқувчи-ёшлар ўртасида «Тинчлик ва осойишталикнинг қадри бебаҳодир» мавзуида суҳбат ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Ҳамза тумани маданият ва спорт ишлари бўлими касаба уюшмаси ва «Тенгдош» маданият уйи томонидан бадиий-ҳаваскорлик ансамбллари қатнашчилари ўртасида «Қовун сайли» кўрик-танлови ташкил этилади.

✓ **12-13 ОКТЯБРЬ** кунлари «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» Республика кўрик-танловининг олий таълим муассасалари учун иккинчи босқичи бўлиб ўтади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Олтинкўл туманида устав жамғармаси 470 минг АҚШ долларилик «Даегеон Престоне» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун хорижлик ҳамкорлар томонидан 241,7 минг АҚШ долларилик тўғридан-тўғри инвестиция киритилди. Айни пайтда бу ерда автомобиллар учун шампунь ва антифриз ишлаб чиқарилмоқда. Туманда жорий йилнинг ўтган даврида саноатда 14 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 1161 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.**

● **Бухоро вилоятида жорий йилнинг дастлабки ярмида экспорт ҳажмининг ўсиши 137,5 фоизни ташкил қилди. Бунда «Пешкутекс» қўшма корхонасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, жамоа ўтган йилнинг шу даврида 559,9 минг АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилганди. Ички имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига жорий йилнинг ўтган даврида бу борадаги кўрсаткич 10,3 фоизга ўсди. «Пешкутекс» фаолияти кенгайиши ҳисобига жамоа сафига яна йигирма нафар коллеж битирувчиси келиб қўшилди. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, қўшма корхонада йил охирига қадар умумий қиймати 4 миллиард сўмликдан зиёд бўлган иккита янги бизнес лойиҳа амалга оширилиши мўлжалланаяпти.**

● **Оролбўйи ҳудудида «Йўқолган денгиз: сабоқлар ва хулосалар» мавзуига бағишланган медиа-экспедиция бошланди. Босма ва интернет нашрлари, телерадио журналистлари, Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «CHINOR ENK» экологик ноширлик компанияси ходимларидан таркиб топган мазкур медиа-экспедиция атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш соҳасида энг яхши журналистик ишларга бағишланган «Қоплон — 2012» кўрик-танлови доирасида ўз ишини бошлади.**

### ЖАҲОНДА

● **«Гардиан» нашрининг ёзишича, «Кристис» савдо уйида дунёдаги энг қимматбаҳо тошлардан бири бўлган «Эрцгерцог Иосиф» олмоси сотувга қўйилди. Оғирлиги 76,02 каратни ташкил этувчи бу ноёб тош 15 миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. Мазкур савдо уйи мутахассиси Жан Марк Лунелнинг сўзларига кўра, бу олмос Ҳиндистондаги кондан топилган. Айтишларича, ноёблиги бўйича дунёга машҳур Кўҳинур тоши ҳам худди шу кондан топилган. Маълумотларга кўра, «Эрцгерцог Иосиф» олмоси сотувга иккинчи бор қўйилмоқда. Мазкур тош 1993 йилда 6,5 миллион АҚШ долларига сотилган. Сўнг эса унинг баҳоси икки баробарга кўтарилган.**

● **Япониянинг «Хонда Мотор» компаниясига тегишли олти юз мингдан зиёд автомобиль эгаларидан қайтариб олинмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан қайтариб олиниши эълон қилинган бу машиналарнинг бошқарув тизимида техник носозлик аниқланган. Бу эса автомобиль мойининг тўхтовсиз сирқиб оқишига сабаб бўлмоқда. Компания қайтариб олаётган «Elysion», «Elysion Prestige» ва «Accord» русумидаги автоуловларда ана шундай жиддий техник носозлик кузатилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Хонда Мотор»нинг ўттизга яқин машинасида ҳеч бир сабабсиз ёнғин чиқиш ҳолатлари кузатилган.**

● **Инглиз олимлари семириш ақлий фаолиятнинг ривожланишига путур етказишини аниқлади. Вазни оғир кишилар нафақат гипертония хасталиги билан оғрийди, балки бундай кишиларда бошқаларга нисбатан хотира пасайиши жараёни анча тез кечади. «The Telegraph» нашрининг ёзишича, бундай хулосага 50-60 ёшдаги 6500 киши билан олиб борилган узоқ йиллик тадқиқотлар натижасида эришилган. Маълумотларга қараганда, оғир вазнли кишилар қонида меъёридан ортиқ холестерин моддаси бўлади. Бу эса уларнинг қон босими ошишига сабаб бўлади. Семизлик, шунингдек, қандли диабетга чалинишга ҳам сабаб бўлади. Бу жараёнларнинг барчаси бош мияга таъсир этган ҳолда хотира сусайишига олиб келади. Шу боис шифокорлар мунтазам бадантарбия машғулотлари билан шуғулланиб туриш, соғлом парҳезга риоя этиш, артериал қон босими ва организмдаги холестерин моддаси меъёрини назорат қилиб бориш ақлий фаолият билан боғлиқ нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беради, деб таъкидламоқда.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБОЙЖОН: ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу маънода афғон муаммосини бартараф этиш бўйича муҳим механизм сифатида 6+3 мулоқот гуруҳини яратиш, Марказий Осиёда сув-энергетика масалаларининг умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқлардан келиб чиққан ҳамда минтақадаги барча давлатлар манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилиши сингари муҳим минтақавий муаммолар юзасидан Ўзбекистоннинг ташаббуслари ва нуқтаи назарлари Озарбойжон томонидан қўллаб-қувватланаётганини Ўзбекистон қадрлайди.

Турли даражалардаги ташрифлар ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётир. Жумладан, ривожланиб бораётган парламентлараро алоқалар доирасида икки мамлакат қонун чиқарувчи органлари делегацияларининг ўндан ортиқ учрашувлари бўлиб ўтди ва улар давлатлараро ҳамкорликнинг ривож топишига кўмаклашди. Шу ўринда Озарбойжон Республикаси Миллий Мажлисида ташкил этилган «Озарбойжон – Ўзбекистон» парламентлараро ишчи гуруҳининг фаолиятини алоҳида қайд этиш жоиздир.

Икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири савдо-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Бундай муносабатлар эркин савдо тартиботи асосида олиб борилгани ҳолда иқтисодиётнинг турли тармоқлари товарлари мажмуини ўз ичига олади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Озарбойжонга транспорт воситалари, рангли металлар, электр ва механика асбоб-ускуналари, турли оптик буюмлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бераётгани ҳолда транспорт, сайёҳлик ва бошқа соҳаларда хизматлар ҳам кўрсатаётир. Озарбойжоннинг Ўзбекистонга экспорти, асосан, механика анжомлари, дори-дармонлар, пластмасса, қандолатчилик маҳсулотлари, турли-туман органик ва кимёвий бирикмалар, кўнчилик ва бўёқчилик экстрактларидан ташкил топган.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида саъй-ҳаракатларнинг қўшма дастурини аниқлаб олиш, икки давлат корхона ва компаниялари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини жадаллаштириш ва чуқурлаштириш, ўзаро товар айланмасининг эришилган суръатларини сақлаб қолиш ва янада ошириш масалалари ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда. Мамлакатларимизаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни тартибга солиб турувчи механизм саналадиган Ўзбекистон Республикаси ва Озарбойжон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг ўнинчи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бокуга бугун бошланаётган расмий ташрифи арафасида бўлиб ўтди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда озарбойжонлик сармоядорлар иштирокидаги 45 та корхона фаолият юритмоқда. Улар иқтисодиётнинг энергетика, енгил саноат, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, суғурта, илм-фан ва таълим, қурилиш ва савдо-сотиқ сингари тармоқларига ихтисослашгандир.

2010 йилнинг сентябрида имзоланган 2011-2015 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун янги имкониятларни яратди. Транспорт ва транспорт коммуникациялари жабҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, икки мамлакатнинг улкан транспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш ўзаро манфаатли муносабатларнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Шу маънода, Марказий Осиёдан Каспий денгизи орқали ва сўнгра Кавказ орқали Қора ва Ўрта ер денгизлари бандаргоҳларига юк ташиш йўналишлари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Ўзбекистон учун Озарбойжон пойтахтининг бандаргоҳи Боку-Тбилиси-Карс янги истиқболли йўлагини ривожлантиришга ҳамда Жанубий ва Марказий Европа бозорларига олиб чиқишга, шунингдек, «Мерсин» Ўрта ер денгизи бандаргоҳи ва «Поти» Қора денгиз бандаргоҳи орқали Яқин Шарқ, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига чиқишга имкон берадиган муҳим транспорт тугуни бўлиши мумкин.

Шу ўринда мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги кўп асрлик тарихга эга бўлган ва ўзаро чуқур ҳурматга асосланган маданий-гуманитар алоқалар ҳам тобора ривожланиб бораётганини қайд этмаслик сира мумкин эмас, албатта.

Озарбойжон Президенти Илҳом Алиевнинг 2004 йил март ойида Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи чоғида Тошкент шаҳрида Озарбойжон шоири ва мутафаккири Низомий Ганжавий ҳайкалининг очилганини юқоридаги фикрнинг ёрқин мисолларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин. Президент Ислом Каримов ушбу ҳайкални «Қардош Озарбойжон халқига, унинг кўҳна тарихи ва маданиятига, асрлар синовидан ўтиб келаётган сўнмас руҳи, ирода ва матонатига, унинг ёруғ келажагига бўлган ҳурмат ва ишончимиз рамзи», деб атаган эди.

Ўз навбатида, Озарбойжонда ҳам ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятига, унинг жаҳон тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссасига нисбатан ҳурмат билан ёндошилади. Масалан, буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг ижоди ушбу дўст ва қардош мамлакатда ҳамиша алоҳида қизиқиш уйғотиб келган. 2007 йил май ойида Озарбойжонда А.Навоий қаламига мансуб «Мезонул авзон» асарининг озар тилидаги таржимаси тақдимоти бўлиб ўтди, 2008 йил сентябрь ойида эса Боку шаҳрида буюк ўзбек шоирига ҳайкал қўйилди. Озарбойжон пойтахтининг марказий кўчаларидан бирига жаҳонга машҳур олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи берилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросим Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга расмий ташрифи чоғида бўлиб ўтди. «Тўрт йил аввал Тошкентда Низомий ҳайкали очилган эди, – деган эди мазкур маросимда давлатимиз раҳбари. – Эндиликда Бокуда Навоий ҳайкали қад ростлади. Халқларимиз Навоий ва Низомийни бирдек ҳурмат билан мутолаа қилиб, уларнинг ижодидан илҳомланиб яшайди, бир-бирини таржимонсиз тушунади. Бу бизнинг катта бойлигимиздир. Ўзбекистон кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган, лекин Озарбойжон билан муносабатлар мана шундай маънавий яқинлик туфайли алоҳида ажралиб туради».

Ўз навбатида, Президент Илҳом Алиев Озарбойжон халқи буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни жуда яхши билиши ва ҳурмат қилишини ҳамда унинг деярли барча асарлари ўз халқи тилига таржима қилинганини қайд этди.

2010 йилда Тошкент шаҳрида икки томонлама муносабатлар тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Озарбойжон халқининг атоқли фарзанди, ўзбек халқининг яқин дўсти — Ҳайдар Алиев номидаги Озарбойжон маданият марказининг очилгани икки томонлама маданий-гуманитар алоқалар тарихидаги яна бир муҳим воқеа бўлди. Мазкур маданият маркази 2003 йилдан буён фаолият юритаётгани ҳолда, икки қардош халқ муносабатларининг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Озарбойжон маданият марказлари уюшмасининг таркибига кирди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг турли вилоятларида 40 мингдан ортиқ озарбойжон миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги озарбойжон миллатига мансуб аҳолининг ўқитувчилар, қурувчи, ҳарбий хизматчи, маданият ва санъат усталаридан иборат 27 нафар вакили давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқалари Ўзбекистон ва Озарбойжон вакилларининг икки мамлакатда ўтказилаётган турли маданий фестиваллар, санъат анжуманлари ва кўргазмалардаги фаол иштироки билан янада бойимоқда. Хусусан, озарбойжонлик санъаткорлар Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» ва «Art Week Style.uz» лойиҳалари, опера, театр ва кино санъати анжуманларининг доимий ва фаол иштирокчилари бўлиб, мазкур тадбирларда улар бир неча маротаба совринли ўринларни қўлга киритганлар.

Илмий-техникавий лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиш, икки мамлакат Фанлар академиялари ва олий ўқув юртлари ўртасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш гуманитар соҳадаги икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бу соҳадаги Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим асосида ривожланиб келмоқда.

2002 йилнинг март ойида имзоланган икки мамлакат «Ёшлар ташкилотлари ўртасидаги келишув» асосида Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий Кенгаши ҳамда Озарбойжон Ёшлар ва спорт вазирлиги ўртасида аниқ мақсадга қаратилган ҳамкорлик амалга оширилмоқда, икки мамлакат ёшлар делегацияларининг мунтазам равишдаги алмашувлари мавжуддир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, комил ишонч билан шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжон Республикасига расмий ташрифи икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг энг яхши анъаналари руҳида конструктив ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотнинг мустаҳкамланиши ва кенгайиши йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

**Наргис САЙДАЛИЕВА,**
**«Жаҳон» АА**

## Алоқа

# СТАТ КОНДЕНСАТОР ИШГА ТУШДИ

***Тошкент телеграф-телефон станциясида узоқ йиллар ишлаб, устозлик даражасига етган мутахассислар талайгина. Электр таъминлаш ва климотехника цехи фаолиятини ривожлантиришда ҳам устозлар саъй-ҳаракати катта бўлди.***

Алоқа соҳасининг ривожи ва электр таъминотини тежаш мақсадида қатор янгиликларга қўл урилди. Шаҳарлараро автомат телефон станцияси, рақамли узатгич аппаратлар цехининг ишга туширилишида ҳам фидойилик кўрсатилди.

Шунингдек, корхонада 4 та кафолатланган энергия манбаи қурилмаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Телеграф аппаратлар цехида янги станция — «СКАТ — 1000» дан фойдаланишга ўтилди. Бу станциянинг электр таъминот ишлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли йиллик электр харажати анча қисқарди. Бу ерда техника ижодкорлиги ривож топмоқда. Электр тармоғига «Стат конденсатор КУ-100» қурилмаси жорий этилди. Натижада электр истеъмоли 10 фоиз тежалишига ва тармоқдаги реактив қувват кескин қисқартирилишига эришилди. Филиал электр тармоғи қайта қурилди. Жумладан, «РП-10 кв» қурилмаси ва янги турдаги аккумулятор батареялари тўла ишга туширилди.

## Транспорт

# КОМПАНИЯНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖАМОАСИ

***«Транс-снаб» корхонаси «Тошпасремсервис» масъулияти чекланган жамияти таркибидаги энг яхши корхоналардан бири ҳисобланади. Мазкур корхона қисқа вақт ичида импорт ўрнини босувчи 20 га яқин хилдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.***

Ички имкониятлардан тўла фойдаланаётган корхона импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар сонини яна 10 тага кўпайтириб, умумий сонини 27 тага етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ҳозир корхонада турли вазифаларни бажарувчи 60 га яқин дастгоҳлардан фойдаланилмоқда.

Ходимлар орасида техника хавфсизлиги бўйича тушунтириш ва тарғибот ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Бу эса нафақат ишчиларнинг иш вақтида ҳушёрроқ бўлишларини таъминлайди, балки вазифага бўлган муносабатларини ҳам ижобий томонга ўзгартиради.

# ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД

***«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли 72-йўналишда ўз касбининг моҳир усталари фаолият кўрсатмоқда. Бу ердаги 14 та «Мерседес Бенц» 30 га яқин ҳайдовчи ва яна шунча чипта сотувчига бириктирилган. Ўртача ҳисобда ҳар бир ҳайдовчи кунига 16 та қатнов бажариб, режада белгиланган топшириқни адо этиб келмоқда.***

— Янги келтирилган Евро-4 двигателли автобус ҳақида ҳам ижобий фикрларни айтиш мумкин, — дейди ҳайдовчи Мирсодиқ Ҳотамов. — Мазкур транспорт воситасида 27 та ўриндиқ ва 4 та ногиронлар аравачаси учун жой ажратилган. Бундан ташқари, 70 нафар йўловчи тик турган ҳолатда манзилига етиб бориши мумкин. Автобус ичида ҳар доим мўътадил об-ҳаво мавжуд бўлади. Қолаверса, уни бошқараётган ҳайдовчига ҳам бир қанча қулайликлар кўзда тутилган. Ёқилғи кам сарфлаши ва экологик муҳитга деярли таъсир кўрсатмаслиги билан ҳам ушбу транспорт воситаси бошқа автобуслардан фарқ қилади.

**Акбар АЛИЕВ**

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан «Республика ҳудудидаги умумий фойдаланувда бўлган ҳамда Ўзбек миллий автомагистрали таркибидаги автомобиль йўлларини сақлаш, таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.***

# АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

Тадбирда 2011-2015 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури ижроси мобайнида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Ўзбек Миллий автомагистрали таркибига кирувчи 220 км дан ортиқ автомобиль йўли қурилгани ва таъмирлангани қайд этилиб, мамлакатимиз автомобиль йўллари тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболлари ҳақида сўз юритилди.

Соҳа вакилларининг маълумотига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда қабул қилинган мақсадли Дастурлар изчиллик билан ҳаётга жорий қилинмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, истиқлолнинг турли даврларида Республика Президенти ва ҳукумати томонидан мамлакатдаги автомобиль йўллари қурилиши масаласига алоҳида эътибор бериб келинган ва соҳа истиқболи йўлида мунтазам равишда қарорлар қабул қилинган. Айнан шу эътибор натижаси ўлароқ бугунги кун ҳолатига кўра Республикада 1440 км йўл янгитдан қурилди ва тўла реконструкция қилинди, 12420 км дан ортиқ йўл эса таъмирдан чиқарилди.

Айни кунда мамлакатимизда компания олдида турган вазифаларни узлуксиз амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 ноябрдаги Қарорига асосан «Ўзавтойўл» ДАК таркибида 13 та ҳудудий йўллардан фойдаланиш ташкилотлари, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган 7 та минтақавий таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари, 161 та туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, анжуман давомида компания таркибида Автомобиль йўллари илмий-тадқиқот институти, ўқув марказлари, бошқа йўл қурилиш, махсус бурғулаш-портлатиш ҳамда саноат корхоналари фаолият кўрсатиб келаётгани ва бошқа кўплаб маълумотлар берилди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

**Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА**



***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳакамлик судлари муҳим ўрин тутади. Пойтахтимизда «Арбитраж ва медиацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий муаммолари ва халқаро амалиёт» мавзуида ташкил этилган халқаро илмий-амалий конференцияда шу ҳақда сўз борди.***

# АРБИТРАЖ ИНСТИТУТИ — ТАДБИРКОР ҲИМОЯЧИСИ

Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган тадбирда Бельгия, Руминия, Италия, Ҳиндистон, Латвия каби давлатларнинг арбитраж ва медиация соҳасида тажрибали экспертлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М.Ражабова, Ўзбекистон Ҳакамлик судлари ассоциацияси раиси И. Долимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг таъминланаётгани соҳа ривожида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2006 йил 16 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонуни мазкур тизим имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Ҳакамлик судининг таркибини шакллантириш, низони ҳал этиш билан боғлиқ муносабатлар қонун билан тартибга солинди. Ҳакамлик судининг ҳал қилувчи қарори ихтиёрий ижро этилмаган ҳолларда, ўрнатилган тартибда мажбурий ижро этилиши белгиланди.

Ҳакамлик судлари тадбиркорлар дуч келиши мумкин бўлган низоларни ҳал этишнинг муқобил тизимидир. Мазкур суд тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган хўжалик низоларини келишув йўли билан ҳал этади, ишни кўриб чиқиш тезлиги ва холислигини, айни пайтда тижорат сирлари сақланишини таъминлайди.

2010 йилда мамлакатимиз ҳакамлик судлари томонидан 2,1 минг даъво аризаси кўриб чиқилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 7,8 мингдан ошди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса 7,4 мингдан зиёд даъво аризаси бўйича тадбиркорлар манфаатлари тўла таъминланди. Бу ҳакамлик судлари фаолияти тобора ривожланаётганидан далолатдир.

– Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолган саноқли давлатлардан биридир, – дейди Италия Арбитраж ассоциацияси эксперти Марко Перрини. – Бу тадбиркорликнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, соҳа ривожи учун ҳуқуқий асослар таъминлангани, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари суд орқали ҳимоя қилинаётгани натижасидир. Арбитраж судлари ташкил этилгани, ҳакамлик тўғрисида қонун қабул қилингани, уларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилаётгани ҳам бунда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро конференцияда ҳакамлик судлари фаолиятини ривожлантириш, соҳага оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, бу борадаги халқаро тажрибани ўрганиш ва амалиётга жорий этиш хусусида фикр алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ташкил қилинган Халқаро VI Тошкент Фотобиенналеси якунланди. Шу муносабат билан бу ерга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, чет эллик меҳмонлар, санъатшунослар, фотоижодкорлар, олимлар, ўқитувчилар ва талаба-ёшлар ташриф буюришди.*

«Art Week Style. uz-2012»

# ХАЛҚАРО ФОТОБИЕННАЛЕ ЯКУНЛАНДИ



Сўзга чиққанлар, Юртбошимиз раҳнамолигида ёшлар камолоти ва етуклигига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётган мамлакатимизда маданият ва санъат изчил ривожланиб равнақ топаётганини алоҳида таъкидлашди.

— Анъанавий равишда ўтказилаётган санъат ҳафталиклари, ижодий кўрик-танловлар, фестиваль ва кўргазмалар мустақиллик йилларида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни сарҳисоб қилиш ва ундан жамоатчиликни бохабар қилишда муҳим аҳамият касб этди, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов. — Анжуманнинг «Мен дунёда, дунё мендадир» деб номланиши ҳам бежиз эмас. Бинобарин, бугунги мураккаб глобаллашув замонида ижодкорнинг ўзлигини англаши ўз йўли ва ижодий услубига эга бўлиши ён-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга нечоғлик теран нигоҳ билан назар ташлаши, уларни идрок этишига ҳам боғлиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбирда турли мамлакатлардан ташриф буюрган машҳур фотомусаввирлар ўз асарларини намойиш қилдилар. Ўзаро бирлик, ҳамкорлик, ҳамдўстлик доирасида ўтган тадбир барча иштирокчилар ва ижодкорларда катта таассурот қолдирди.

Дарҳақиқат, «Мен дунёда, дунё мендадир» лойиҳасининг ўзига хослиги шундаки, ижодкор атроф-муҳит ва инсоннинг ички дунёсини бугунги кун глобаллашув жараёнига боғлаш билан бирга, маълум бир жой, ер шарининг турли ўлкалари, турли мамлакатлар, миллати ва дини, этник келиб чиқиши, характери ва дунёқарашидан қатъи назар ўзига хос шарт-шароитда акс эттирган.

Фотобиенналеда Франция, Испания, Италия, Япония, Германия, Исроил, Жанубий Корея, Бангладеш, Украина сингари жаҳоннинг 35 давлатидан ташриф буюрган фотомусаввирларнинг 2000 дан зиёд сурати томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Айни пайтда «Шаҳар ва мен: яхлитликнинг бир бўлаги», «Тортишиш кучи», «Манзара жилоси. Мавсумлар», «Ҳаракат иллюзияси», «Япония манзаралари — сирли Фудзияма» каби ранг-баранг мавзулардаги шахсий кўргазмалар фотобиеннале қатнашчиларининг ижодий услуби, кенг дунёқараши, мавзуга ёндашуви ҳақида етарлича маълумот берди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқаро маданият карвонсаройи каби кўргазма залларида ёш фотоижодкорлар учун маҳорат дарслари, ижодий учрашувлар уюштирилди. Шунингдек, Тошкент Фотосуратлар уйида «Фотография: ўтмиш, бугун, келажак» мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда мамлакатимизда фото санъатининг йўналиш ва услублари, жаҳон фотография санъатида рўй бераётган ижодий ўзгаришлар, ҳамкорликнинг келажакдаги истиқболлари ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

Тошкент ва Самарқанд кўчаларида уюштирилган фотосессиялар чет эллик меҳмонлар ва юртдошларимизга янада кўтаринки руҳ бағишлади. Фотобиеннале тадбирлари қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида ҳам ўтказилди. «Чорсу» галереясидаги кўргазмалар, ижодий учрашувлар хорижлик меҳмонларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Тошкент фотобиенналеси менда жуда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Италиядан ташриф буюрган ижодкор Алессандро Брасиле. — Ўзбекистонлик ва хорижлик ҳамкасбларимизнинг ижоди билан тўлиқ танишиш имкониятига эга бўлдик. Ўзаро фикр ва тажриба алмашдик. Ўзбекистондай жаннатмакон юртнинг гўзал табиати, тарихий обидалари, меҳмондўст кишилари ҳақида кўплаб суратлар олдик. Келгусида улардан ажойиб эсдаликлар дастасини яратиш ниятидаман.

— Мазкур фотобиеннале орқали Ўзбекистон маданияти ва санъати ривожи, ёшлар учун яратилаётган имкониятлар ва улкан эътиборнинг гувоҳи бўлдик, — дейди япониялик фотоуста Огино Наюки. — Кўргазмалар доирасида менинг «Комомо-Гейшанинг саёҳати» деб номланган шахсий кўргазмам Халқаро маданият карвонсаройида мухлислар томонидан илиқ кутиб олинди. Дарҳақиқат, фотобиеннале иштирокчиларига ўз шахсий кўргазмаларини намойиш этиш ва бутун дунё билан боғлиқ манзараларнинг ўзаро уйғунлигини кўрсатиш имконияти яратилди.

Фотобиеннале доирасида Хитой рассомларининг кўргазмалари ҳам муваффақиятли ташкил қилинди. Жумладан, ўттиз йиллик тажрибага эга бўлган исроиллик фоторассом Изик Бинунскийнинг шахсий кўргазмаси ўзига хос таассурот қолдирди.

Фотобиеннале — 2012 нинг якунида иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди, танлов ғолибларига олтин, кумуш, бронза медаллари, диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: Халқаро VI Тошкент Фотобиенналеси кўргазмаларидан лавҳа**

**Алексей Попов олган сурат**

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

# ЁШ ОИЛАЛАРГА ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТЛАРИ

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Марказий банки томонидан банк тизими хизматларини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтиришга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.***

Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раисининг ўринбосари Ш.Ҳайдаров, «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат банки раисининг ўринбосари Д.Абдумўминов, «Қишлоқ қурилиш банк» раисининг ўринбосари А.Мавлонов мамлакатимиз банкларининг барқарорлиги самарасида кичик бизнес субъектлари ҳамда аҳолига ажратилаётган истеъмол кредитлари ҳажми йил сайин ортиб бораётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 4,2 триллион сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 34,2 фоиз кўп кредит маблағлари ажратилган.

Бугун мамлакатимизда тўққиз мингдан зиёд банк инфратузилмаси аҳоли ва корхоналарга молиявий хизматлар кўрсатмоқда. Ўттизта банк, саккиз юздан зиёд банк филиаллари шулар жумласидандир. Айни вақтда банкларнинг кредит ресурслари ёшларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни доимий иш билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга йўналтирилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ёш оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун 104,8 миллиард сўм сармоя ажратилган. Хусусан, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш учун салкам 66 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-лойиҳалари учун қарийб 39 миллиард сўм маблағ берилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробар кўпдир. Шунингдек, хотин-қизларнинг ижтимоий-маиший шароитларини янада яхшилаш, уларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида 35 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилган.

— Аҳоли даромадларининг ўсиши истеъмол кредитларига бўлган талабни оширмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти директори А.Сайфуллаев. – Бу борада мамлакатимизда самарали кредитлаш тизими яратилган. Мисол учун, ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида тижорат банклари уларга узоқ муддат фойдаланиладиган, ўзимизда ишлаб чиқариладиган истеъмол товарлари харид қилиш учун энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдорида уч йилга кредитлар ажратмоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ, банклар томонидан шаҳарлар, туман марказлари ва посёлкаларда 2012-2013 йилларда лойиҳа қиймати 272 миллиард сўмлик юзта уй-жой қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ёш оилаларни шинам уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал қилиш имконини бераётир.

Тадбирда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда кичик бизнеснинг аҳамияти, бу борада яратилган имтиёзлар, банк хизмати кўрсатиш сифатини янада ошириш, халқаро тажрибаларни амалиётга жорий этиш юзасидан фикр алмашилди.

**Сайёра ШОЕВА**

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Туркистон» ва «Молодёжь Узбекистана» газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда ташкил этилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган мазкур тадбирда депутатлар, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар, шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетларининг ўқитувчи ҳамда талабалари иштирок этди.

Ёшлар – жамиятимиз келажаги бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий, ахборот тараққиётининг истиқболи уларнинг мустақил ҳаётга қандай бой билим, кўникма ва қобилият, маънавий етуклик билан кириб келишига боғлиқ. Шу боис ёш авлод тарбиясида оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Улар ўсиб келаётган авлод онгини шакллантириш, уларни миллий қадриятлар, маънавий-ахлоқий принциплар руҳида тарбиялаш жараёнига катта таъсир кўрсатади.

Президентимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек, ҳозирги ахборот маконининг глобаллашув шароитида ҳаттоки кичкинагина ахборот ҳам йигит-қизларимизнинг маънавий ахлоқий тарбиясига ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган зарар етказиши мумкин. Айнан мана шунинг учун ҳам мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, йигит-қизларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни мафкуравий ва ахборот хуружлари, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишда фаол иштирок этмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда бу борада тўпланган тажрибага алоҳида эътибор қаратилди, эришилган ютуқлар ва журналистлар олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ф.Муҳаммаджонова ва бошқалар ҳозирги глобаллашув шароитида турли таҳдидларнинг олдини олиш, ёшлар онги ва тафаккурини «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётганини таъкидладилар.

Ахборот-коммуникация технологияларининг кенг кўламда ривожланаётгани муносабати билан ушбу жараёнга мамлакатимиз веб-сайтлари ҳам фаол жалб этилмоқда. Улар ёшларимизга ўз билими ва дунёқарашини кенгайтириш, «оммавий маданият» хавфи ва оқимининг салбий таъсирини муҳокама қилишда кенг иштирок этиш имконини бермоқда.

Давра суҳбати иштирокчиларининг таъкидлашича, ёшларга оид мавзуларни ёритаётган журналистларимиз ўз зиммасига юклатилган улкан масъулиятни янада чуқур ҳис этиши, касбий билим ва малакаси, тажриба ҳамда маҳоратини ошириш борасида тинимсиз ишлаши лозим.

Давра суҳбати давомида ёшларни турли ахборот хуружлари ва салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

***Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозир дунёда қирқ миллиондан зиёд бола ортиқча вазндан азият чекмоқда. Бу эса кўпинча юрак, қон-томир тизимлари, диабет каби оғир хасталикларга олиб келаётир.***

# БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган анжуман ушбу долзарб муаммонинг оқибатлари ва ечимларига бағишланди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар иштирок этди.

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори Д.Аҳмедова ва бошқалар мамлакатимизда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади.

Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Хусусан, оилаларда тиббий маданиятни ошириш, тўғри ва рационал овқатланишни йўлга қўйиш, жойларда Саломатлик ҳафталикларини ташкил этиш, микронутриент танқислигининг олдини олиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Олимларимиз ва шифокорларимиз семизликка олиб келадиган омилларни чуқур ўрганиш, унинг натижасида келиб чиқадиган асоратларни бартараф этиш бўйича кўплаб илмий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда. Бу борада профилактика, диагностика ва даволашнинг замонавий услубларидан самарали фойдаланилмоқда.

Анжуманда болалар саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда давлат, жамоат ташкилотлари, тиббиёт масканлари ҳамкорлигини кенгайтириш чоралари хусусида фикрлашилди.

**(ЎзА)**

Таълим

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

***Шаҳар Маънавият тарғибот маркази, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасида дин ниқобидаги экстремизм, миссионерлик ва оммавий маданият унсурларининг олдини олишга қаратилган «Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид» мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.***

Шундай тадбирлардан бири Олмазор туманидаги Тошкент маданият коллежида ҳам ташкил этилди. Тадбирда туман Маънавият тарғибот бўлими раҳбари М.Алибоева, имом хатиб И.Узоқов ва туман бош отинойиси А.Аҳмедовалар сўзга чиқиб, диний экстремизм ва миссионерликнинг ёшлар онгига салбий таъсирлари ва зарарли оқибатлари хусусида коллеж ўқувчиларига тушунчалар бердилар. Ўқувчилар тадбир орқали ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар ва диний дунёқарашларини яна ҳам кенгайтирдилар.

Албатта, бундай маърифий тадбирларнинг ўтказилиши баркамол авлоднинг ҳар бир соҳада илғор ва етук бўлиб улғайишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Дилсўз ҲУСАНОВА,**
**Башорат ЭРГАШЕВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабалари**

*Тошкент шаҳар «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси туман автокорхоналарининг чиқинди ташувчи махсус автотранспорт воситалари учун 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлган **ҳайдовчи** ҳамда **юк ортувчиларни** ишга таклиф этади.*

Иш шароити сменали.

Ўртача ойлик маош **ҳайдовчилар учун 800 минг** сўм, **юк ортувчилар учун 700 минг** сўмни ташкил этади.

Шунингдек, «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси бошқарма автокорхоналарига аҳоли билан ишлаш бўйича назоратчи вазифасига ҳам ишга таклиф этади.

Ойлик маош: мукофотли-ишбай.

**Маълумот учун телефонлар: 247-45-56, 247-25-99, 247-02-11, 247-06-70.**

**Манзил: Учтепа тумани, Бекобод Саноат зонаси.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



## Спорт янгиликлари

# ЮРТДОШЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА

***Беларуссия пойтахти Минск шаҳри дзюдо кураши бўйича эркаклар ўртасида ўтказилаётган жаҳон кубоги босқичига мезбонлик қилди.***

Мазкур мусобақада ҳамюртларимиз билан бир қаторда 13 давлатдан 78 нафар полвонлар 7 вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб бордилар. Улар орасида Олимпиада ўйинлари ҳамда жаҳон чемпионатлари совриндорларининг ҳам иштирок этганлиги мусобақаларнинг янада муросасиз курашлар остида ўтишини таъминлади.

Жаҳон кубоги босқичида Ўзбекистон терма жамоаси ёш спортчилар билан иштирок этганлигига қарамай, икки нафар юртдошларимиз совриндорлар сафидан ўрин эгаллашди. Енгил вазн тоифалар бўйича Грахам Триндер (Б.Британия), Идо Бар (Исроил), Патрик Гагне (Канада), Ян Виноградов (Исроил), Алексеи Сверяд (Болгария), Алексис Морин-Мартин (Болгария)лар олтин медалларни қўлга киритишган бўлса, вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида Сунnатилла Азимов дастлабки бронза медалини терма жамоамиз ҳисобига келтирди. Маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, 90-100 кг вазн тоифаси оралиғидаги бош совринларга Андрей Бурнс (Б.Британия), Магемедрасул Гашимов (Россия), Деметри Лепп (Болгария), Зилвинас Забарскарс (Литва) каби атлетлар эга чиқишди.

90 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида Давронбек Сатторов ҳам кучли учликдан ўрин эгаллади. Мазкур жаҳон кубоги босқичида Бекзод Кулматов (100 килограммгача вазнда) 5-ўринни, Эрбол Рустамов (81) 7-ўринни банд этишди. Буларнинг барчаси юртимизда спортнинг дзюдо турига эътибор кучайганидан далолатдир.

Албатта, қўлга киритилган бундай буюк ютуқлар келажагимиз эгаларига ўрнак ва ибрат бўлиш билан бирга, қанчадан-қанча ёшларимиз қалбида спортга бўлган меҳрни шакллантириши билан ҳам аҳамиятлидир. Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда эришаётган муваффақиятлари доимо халқимиз назарида, давлатимиз эътиборида бўлиб келган. Бу келажакдаги муваффақиятларимиз омилидир.

**Раббонакул МУХТОРОВ**

***Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида муайтай бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати мамлакатимиз спортчилари учун омадли якунланди.***

# МЕДАЛЛАР БИЛАН ҚАЙТИШДИ

Курраи заминнинг 70 дан ортиқ давлатидан 700 нафар спортчи иштирок этган ушбу нуфузли турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган мамлакатимиз вакиллари 13 та медаль (1 та олтин, 5 та кумуш, 7 та бронза) билан тақдирланиб умумжамоа ҳисобида кучли бешликдан ўрин эгаллашди. Спортчиларимизнинг ушбу муваффақияти юртимизда муайтай ёшлар орасида жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини яна бир карра исботлади.

Қизиқарли ва муросасиз кечган беллашувлар давомида ҳамюртимиз Жаҳонгир Йўлдошев барча рақибларини енгиб олтин медалга сазовор бўлди.

Шунингдек, юртдошларимиздан Юсуф Ибрагимов, Баҳодир Мардонов, Саидаҳмад Орипов, Хайрулла Ортиқов, Фирдавсий Маннонովларга кумуш медаллар насиб этган бўлса, Темур Ҳамроев, Шуҳрат Ботиров, Жасур Мирзамуҳамедов, Наим Тўхтабоев, Санжар Ҳасанов, Фарруҳ Қаҳрамонов ва Мансур Толиповлар жаҳон чемпионатининг бронза медаллари билан кифояланишди.



Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат

***Футбол бўйича Ўзбекистон XI миллий чемпионати олий лигасида 22-турга келиб пешқадам ўзгарди. «Пахтакор» футболчилари чемпионат якунланишига тўрт тур қолганида биринчи ўринга кўтарилди.***

# ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

«Пахтакор» жамоаси Тошкентда ўтказилган турнинг марказий учрашувида «Нефтчи» футболчиларини 3:0 ҳисобида енгди.

«Бунёдкор» футболчилари эса пойтахт «дерби»сида қимматли очколарни йўқотди. Ўз мухлислари кўз ўнгида тўп сурган «Локомотив» 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

«Андижон» ва «Насаф» жамоалари баҳсида дарвозаларга еттита тўп киритилди. Водийлик футболчилар биринчи бўлимда икки тўп фарқи билан ҳисобда олдинга чиқиб олган бўлса-да, ғалабани ушлаб қололмади. Қашқадарёлик чарм тўп усталари 3:4 ҳисобида зафар қучди. Ушбу мағлубиятдан сўнг «Андижон»нинг олий лигада қолиш имконияти янада пасайиб кетди.

Кутилмаган натижа Ғузорда қайд этилди. Совриндорлар сафига кириш учун яхши имкониятга эга «Шўртан» футболчилари ўз мухлислари кўз ўнгида «Бухоро»га 0:1 ҳисобида ютқазди.

Олий лигадаги ўрнини сақлаб қолиш учун курашаётган жамоалар – «Навбаҳор» ва «Металлург» баҳсида 1:0, «Машъал» ва «Динамо» учрашувида 2:0 ҳисоби қайд этилди. «Қизилқум» ва «Олмалиқ» баҳсида зарафшонликлар 2:1 ҳисобида зафар қучди.

# ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

***Тошкентдаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионатининг олий лига баҳслари бошланди.***

Чемпионатда ўн жамоа икки даврали тизимда куч синашади. Кучли саккизликка кирган жамоалар плей-офф босқичида совринли ўринлар учун курашса, қуйи поғонани эгаллаган икки жамоа биринчи лигага тушиб кетади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу тизим ҳар бир учрашувнинг кескин ва муросасиз ўтишини таъминлайди.

Биринчи тур учрашувларида амалдаги чемпион – пойтахтнинг «Ардус» жамоаси «Когон» (Бухоро) вакилларини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

«Гулистон» футболчилари Самарқанднинг «Нафис» жамоасини 9:3 ҳисобида енгди. «Гулистон» таркибида тўп сураётган ёш истеъдодли футболчи Жаббор Қулиев бешта гол киритди.

Мамлакат кубоги соҳиби «Бунёдкор» (Тошкент) вакиллари пойтахтнинг яна бир жамоаси «Локомотив»ни 4:3 ҳисобида енгган бўлса, Андижоннинг «Турон-С» жамоаси «Строитель-3» (Навоий) жамоасини 8:3 ҳисобида мағлуб этди.

Ўтган йилги мамлакат чемпионати совриндори «Чирчиқ-Максам» вакиллари «Пахтакор» (Тошкент) жамоасини 5:0 ҳисобида доғда қолдирди.

**(ЎзА)**

# ТЕРМА ЖАМОАЛАРИМИЗ СИНОВ АРАФАСИДА

***Ўзбекистон футбол федерацияси қошидаги терма жамоалар марказида мураббийлар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон миллий терма жамоаси, 19 ёшгача бўлган ёшлар ҳамда 16 ёшгача бўлган ўсмирлар, Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоалари бош мураббийлари, ёрдамчи мураббийлари иштирокида уюштирилган мажлисда терма жамоаларимиз фаолияти таҳлил қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқич гуруҳ беллашувларида иштирок этяпти. Мамлакатимизнинг бош жамоасига жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритиш вазифаси қўйилган. Ҳозирча ўтказилган 3 та учрашувдан кейин Бразилияга бориш имконияти сақланиб турибди. Сўнгги маълумотларга қараганда терма жамоамизнинг жароҳат олган етакчи футболчилари Одил Аҳмедов, Азиз Ҳайдаров, Виталий Денисов, Шавкат Муллажоновларнинг соғлиқлари аста-секин тикланмоқда. Бу футболчилар индивидуал машғулотларда майдонга тушишмоқда. Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар маркази раҳбарияти терма жамоаларимиз ўз олдиларига қўйилган вазифаларни уддалашлари лозимлигини яна бир карра таъкидлаган ҳолда 1-17 ноябрда БААда 19 ёшли футболчилар ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида қатнашадиган Аҳмаджон Мусаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам совринли ўринларга эгалик қилишга ҳақли эканлигини маълум қилди. Чунки совриндор бўлган ёшлар терма жамоаларига ҳам жаҳон чемпионати йўлланмалари насиб этади.

— Шукрки, дейишди йиғилиш қатнашчилари, — Эронда 16 ёшли ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган Осиё чемпионатида қатнашган Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги ўсмирлар терма жамоамиз ярим финал йўлланмасига эга бўлди ва энди жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Россиянинг Калининград шаҳрида ногирон-ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан ҳамюртларимиз ёруғ юз билан қайтишларига терма жамоалар маркази раҳбарлари, мураббийлар шубҳа қилишмади. Мажлис якунида барча терма жамоаларга омад тилашди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан истеъмолчиларнинг ҳисоб рақамларига, коммунал тўловлар ва бошқа хизмат турларига тезкор уланиш, ахборотни замонавий технологиялар орқали бир зумда олиш имкониятини яратиш мақсадида янги дастур яратилди.***

# «ЭЛЕКТР ҲИСОБ» ДАСТУРИ АМАЛДА

— Эски дастуримизда банклар дастури билан туташиш имкони бўлмаганлиги боис тўловларни онлайн тартибида ўтказиб бўлмас эди, — дейди «Ўзбекэнерго» компаниясининг масъул ходими Фарҳод Шамшиев. — Булар эса электр таъминот корхоналарида узун навбатларни келтириб чиқарарди.

«Электр ҳисоб» дастурида бир қанча қулайликлар яратилди. Истеъмолчи бир марта электр таъминот корхонасига келиб уяли телефонини «Электр ҳисоб» дастурига киритиши билан «Ўзбекэнерго» дастурига телефони бириктирилади. Хабарлар орқали энергия етказишдан узилиш ҳақида огоҳлантириш, истеъмол қилинган электр энергияси учун ўлчов асбобидан ечилган маълумот дастурга киритилганлиги ва бошқа маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари дастур марказлаштирилган ахборотларни сақлаш ва қайта ишлаш каби ташқи тузилмалар ҳамда тўлов тизимлари билан ҳамкорликда ишлаш, судларга қарздорликни ундириш тўғрисида даъво киритиш сингари имкониятларни беради.

«Электр ҳисоб» дастури замонавий бошқарув тизимлари орқали ишлаб чиқилган бўлиб, келгусида функционал имкониятларни янада оширишга имкон беради.

**Анвар ВАЛИЕВ**

## Тадбирлар

# ХАЛҚ ДУРДОНАЛАРИ

***Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган тадбир «Номоддий маданий мерос — халқ дурдонасидир» деб номланди.***

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ижодкор ёшлар билан ишлаш, халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Б. Дурдиев, филология фанлари доктори М.Жўраев, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Р.Абдуллаев, Санъат ва маданият институти профессори Ў.Тошматов, Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси С. Йўлдошева ва бошқалар сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сонли қарори билан тасдиқланган «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури» борасида амалга оширилаётган ишлар, «Ўзликни намоён қилишнинг оғзаки шакл ва анъаналари ҳамда ижрочилик санъати», «Жамиятнинг урф-одат, маросим ва байрамлари ҳамда анъанавий ҳунармандчилик билан боғлиқ билим ва кўникмалар», «Номоддий маданий мерос тарғиботида фольклор санъатининг роли» мавзуларида фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Шунингдек, тадбир давомида ёғоч ўймакорлиги, дўппи, сўзана, кулолчилик, каштачилик, ёдгорлик буюмлари йўналишларида халқ амалий санъати усталарининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

«Улуғбек юлдузлари», «Қалдирғоч», «Нодирабегим», «Чашма» фольклор-этнографик гуруҳларининг миллий руҳдаги ижролари йиғилганларга манзур бўлди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Инсон аслида феъли торлигидан азият чекади.**

* * *

**Иш одамини ишдан бошқа нарса қизиқтирмайди.**

* * *

**Инсонни чорасизлик адо қилади.**

* * *

**Ҳеч нима кутилмаган жойдан келмайди – фақат биз уни кутмаган бўламиз.**

* * *

**Хаёл кўним билмайди.**

* * *

**Ёлғон шамолдаги баргдек қалтираб туради.**

* * *

**Дунёнинг ўйинларига парво қилмаган ютади.**

* * *

**Бировни ёмонлаб ҳеч ким яхши бўлган эмас.**

* * *

**Ёшликнинг бутун вужуди гўзал.**

* * *

**Ёшликдан ўтар давлат йўқ.**

* * *

**Ёшликка қўрқув бегона.**

* * *

**Ёшликни танбаллик емиради.**

* * *

**Ёмонликнинг йўлини яхшилик билан тўсиш керак.**

* * *

**Ҳурмат муҳитини ўзингга ўзинг яратасан.**

* * *

**Ўзига ишонмаган кишини хоҳлаган кўйга солиш мумкин.**

* * *

**Доно душманини ҳам кечиради, нодон дўстининг ҳам узрини қабул қилмайди.**

* * *

**Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам илдизи юракда бўлади.**

* * *

**Нодоннинг кўнгли кўпинча кеку гинага тўла бўлади.**

* * *

**Дўстлар талашиб-ярашиб кетавериши керак, чунки дўстлик айнан талашиш-тортишишларда синовдан ўтади.**

* * *

**Яшаш илмида кўпчилик саводсиз.**

* * *

**Дўстинг қозон бошида бўлса, сенга ҳам улуш тегади.**

* * *

**Ҳеч нарсага эришмаган аламзада бўлади.**

* * *

**Дўст фазилатингни кўради, душман айбингни.**

* * *

**Ўлим кишини ўзи ҳақида ўйлашга мажбур қилиши билан эзгудир.**

* * *

**Кўнгли қаттиқнинг тили аччиқ.**

* * *

**Маънисиз сўз ёмғирсиз булутга ўхшайди.**

* * *

**Нимани қаттиқ истасанг, айнан ўша нарса муяссар бўлмайди.**

* * *

**Одатда, кўпинча бировларга берган баҳомиз ҳаққу ўзимизга берган баҳомиз ноҳақ бўлади.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **12 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 октябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 1041

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4858 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5